

ЭЪЛОН

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4358-сонли ва 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон қарорининг 8-бандлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлигининг 2019 йил 24 декабрдаги 276-сонли буйруқлари асосида стажёр-тадқиқотчилик институти очилди.Қабул 2019 йил 28 декабрга қадар амалга оширилади. Ўқишга киришни хоҳловчи талабгорлар институт илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига мурожаат қилишлари мумкин. Барча керакли маълумотлар иловада келтирилган.



“26” 12 2019-yil

03-20/6737-son

**Вазирлик ва идораларга
(рўйхат бўйича)**

Ўзбекистон Республикасининг “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4387-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган олий ўқув юртидан кейинги таълимда 2020 йил учун стажёр-тадқиқотчилик институтига қабул жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги Инновацион ривожланиш вазирлигининг буйруғи имзоланди.

Буйруқда белгиланган муддатларда тасарруфингиздаги олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда стажёр-тадқиқотчилик институтига 2020 йил учун ўқишга қабул қилиш ишларини яқунлаб Инновацион ривожланиш вазирлигига **2020 йил 4 январгача** ахборот киритишингиз сўралади.

Олий ўқув юртидан кейинги таълимда 2020 йил учун стажёр-тадқиқотчилик институтига қабул жараёнини ташкил этиш тўғрисидаги буйруқ илова этилади.

Илова: 7 varaқда.

Вазир ўринбосари

О.Тўйчиев

Вазирлик ва идоралар рўйхати

1. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
2. Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси
3. Дин ишлари бўйича давлат қўмитаси
4. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги
5. Қурилиш вазирлиги
6. Навоий кон-металлургия комбинати
7. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
8. Соғлиқни сақлаш вазирлиги
9. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси



BUYRUQ

2019 yil 24 декабрь

Toshkent sh.

№ 276

Олий ўқув юртидан кейинги таълимда 2020 йил учун стажёр-тадқиқотчилик институтига қабул жараёнини ташқил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида” 2019 йил 29 октябрдаги ЎЗҚ-576-сон Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПҚ-4358-сон ва “Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг В.И. Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида

БУЮРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон қарорига мувофиқ олий ўқув юртидан кейинги таълимда стажёр-тадқиқотчилик институти (кейинги ўринларда стажёр-тадқиқотчилик институти деб аталади) ташқил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда стажёр-тадқиқотчилик институтига 2020 йил учун ўқишга қабул қилиш 2019 йил 28 декабрга қадар амалга оширилсин.

3. Белгилансинки:

стажёр-тадқиқотчилик институтига ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 22-майдаги 304-сон қарори асосида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларда ташқил этилган қабул комиссиялар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда танлов асосида амалга оширилади;

ихтисосликлар бўйича стажёр-тадқиқотчилик институтига кириш имтиҳонларини ўтказиш шакли (ёзма ёки оғзаки) ва тартиби тасарруфида олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар томонидан белгиланади;

стажёр-тадқиқотчилик институтида 2020 йил учун ўқиш олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотларнинг Коллегиал органи қарори билан тасдиқланган шахсий иш режасига мувофиқ 2020 йилнинг 1 январидан 31 декабригача давом этади;

стажёр-тадқиқотчилик институтига қабул қилинганларга Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ходимлар меҳнатини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 18 августдаги 233-сон қарорига мувофиқ стажёр-тадқиқотчи лавозим маошининг базавий миқдорига тенглаштирилган миқдорда стипендия тўланади.

олий ўқув юртидан кейинги таълимни ўқиганлар стажёр-тадқиқотчилик институтига қайта қабул қилинмайди.

4. Стажёр-тадқиқотчилик институтида ўқишга кирувчи шахслар магистр даражаси ёки клиник ординатура (тиббийёт фанлари учун), ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги дипломга эга бўлиши ҳамда таянч мутахассислиги олий ўқув юртидан кейинги таълим институтидаги ихтисосликка тегишли бўлган фан тармоғига мувофиқ бўлиши таъминлансин.

5. Стажёр-тадқиқотчилик институтига қабулни амалга оширган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлар Коллегиал орган қарори билан стажер-тадқиқотчиларга илмий ва ўқув-услугий ёрдам кўрсатувчи фан доктори даражасига ёки илмий унвонга эга бўлган фан номзоди, фалсафа доктори (PhD) ёки унга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда илмий даражага эга бўлганлардан илмий раҳбарлар бириктирилсин.

Олий таълим муассасаларида стажер-тадқиқотчи билан олиб борилган иш учун илмий раҳбарнинг умумий ўқув юкласига ҳар бир стажёр-тадқиқотчи учун бир йилда 75 соат ҳажмидан келиб чиққан ҳолда соатбай иш ҳақи белгиланади. Бунда мазкур соатбай иш ҳақи йил давомида ойма-ой тенг улушларда тўлаб борилади.

Илмий ташкилотларда илмий раҳбарларга стажер-тадқиқотчи билан олиб борилган ўқув машғулотларига соатбай ҳақ тўлаш ҳар бир стажер-тадқиқотчи учун бир йилда 75 соат ҳисобида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан “Фан” соҳасига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. Стажёр-тадқиқотчилар ўқиш ўтаётган олий таълим муассасалари ва илмий ташкилотлардаги илмий ходимлари учун амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган барча ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишлари белгилаб қўйилсин.

Вазир



И.Абдурахмонов

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси
Фанлар академияси президенти



[Signature]

Б. Юлдашев

Олий ва ўрта махсус таълим вазири



[Signature]

И. Маджидов

Соғлиқни сақлаш вазири



[Signature]

А. Шадманов

Қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи уринбосари



[Signature]

Ш. Тешаев

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини
ривожлантириш вазири



[Signature]

Ш. Садиков

Навоий кон-металлургия комбинати
Бош директори



[Signature]

Қ. Санакулов

Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси



[Signature]

Б. Норқобилов

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси раиси



[Signature]

А. Аккулов

Қурилиш вазири

[Signature]

Б. Закиров

Вазирлик ва идораларнинг стажер-тадқиқотчилар институтида таълим олишга бўлган эхтиёжи тўғрисида (олий таълим муассасалари кесимида)

№	ОТМ номи	Ҳудуди	Вазирлик ва идора номи	Сони
1	Тошкент ахборот технологиялар университети Нукус филиали	Қорақалпоғистон	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	2
2	Тошкент ахборот технологиялар университети Самарқанд филиали	Самарқанд	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1
3	Тошкент ахборот технологиялар университети Фарғона филиали	Фарғона	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	1
4	Тошкент ахборот технологиялар университети Урганч филиали	Хоразм	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги	3
5	Самарқанд ветеринария медецинаси институти Нукус филиали	Қорақалпоғистон	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	2
6	Самарқанд ветеринария медецинаси институти	Самарқанд	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси	2
7	Халқаро Ислоҳ академияси	Тошкент ш.	Дин ишлари бўйича давлат қўмитаси	2
8	Тошкент давлат аграр университети Андижон филиали	Андижон	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	3
9	Тошкент давлат аграр университети Нукус филиали	Қорақалпоғистон	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	2
10	Тошкент давлат аграр университети Термиз филиали	Сурхондарё	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	2
11	Тошкент давлат аграр университети	Тошкент	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	5
12	Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти	Самарқанд	Қурилиш вазирлиги	3
13	Навоий давлат кончилик институти	Навоий	Навоий кон-металлургия комбинати	2
14	Андижон давлат университети	Андижон	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	5
15	Андижон машинасозлик институти	Андижон	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	10
16	Бухоро давлат университети	Бухоро	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	10
17	Бухоро муҳандислик-технология институти	Бухоро	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
18	Жиззах давлат педагогика институти	Жиззах	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
19	Жиззах политехника институти	Жиззах	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
20	Қарши давлат университети	Қашқадарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	7
21	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти	Қашқадарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	5
22	Қорақалпоқ давлат университети	Қорақалпоғистон	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
23	Нукус давлат педагогика институти	Қорақалпоғистон	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
24	Навоий давлат педагогика институти	Навоий	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
25	Наманган давлат университети	Наманган	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
26	Наманган муҳандислик-қурилиш институти	Наманган	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	5
27	Наманган муҳандислик-технология институти	Наманган	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
28	Самарқанд давлат университети	Самарқанд	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	5
29	Самарқанд давлат чет тиллар институти	Самарқанд	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
30	Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти	Самарқанд	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
31	Гулистон давлат университети	Сирдарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
32	Термиз давлат университети	Сурхондарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	8
33	Термиз давлат университетининг Денов филиали	Сурхондарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
34	Тошкент давлат педагогика университети Термиз филиали	Сурхондарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
35	Тошкент давлат техника университети Термиз филиали	Сурхондарё	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
36	Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти	Тошкент	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2

37	Тошкент давлат техника университети Олмалиқ филиали	Тошкент	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
38	Тошкент давлат педагогика университети	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
39	Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
40	Тошкент кимё технология институти	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
41	Тошкент молия институти	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
42	Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
43	Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
44	Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
45	Ўзбекистон миллий университети	Тошкент ш.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	3
46	Қўқон давлат педагогика институти	Фарғона	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	2
47	Фарғона давлат университети	Фарғона	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	8
48	Фарғона политехника институти	Фарғона	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	4
49	Урганч давлат университети	Хоразм	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги	5
50	Андижон давлат тиббиёт институти	Андижон	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	4
51	Бухоро давлат тиббиёт институти	Бухоро	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
52	Тошкент педиатрия тиббиёт институти Нукус филиали	Қорақалпоғистон	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
53	Самарқанд давлат тиббиёт институти	Самарқанд	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
54	Тошкент тиббиёт академиясининг Термиз филиали	Сурхондарё	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
55	Тошкент педиатрия тиббиёт институти	Тошкент ш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
56	Тошкент тиббиёт академияси	Тошкент ш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
57	Тошкент фармацевтика институти	Тошкент ш.	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	2
58	Тошкент тиббиёт академияси Фарғона филиали	Фарғона	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	1
59	Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали	Хоразм	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	3
60	"Ипак йўли" туризм халқаро университети	Самарқанд	Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	5
	Жами			200

**Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг стажер-тадқиқотчилар институтида таълим олишга бўлган эҳтиёжи тўғрисида
(илмий-тадқиқот муассасалари кесимида)**

№	Илмий-тадқиқот муассасалари	стажер-тадқиқотчиларга бўлган эҳтиёж
1	Ядро физика институти	11
2	С.А.Назимов номидаги "Физика-Қуёш" илмий ишлаб-чиқариш бирлашмаси Физика-техника институти	6
3	В.И.Романовский номидаги математика институти	5
4	У.А.Арипов номидаги Ион-плазма ва лазер технологиялари институти	4
5	Мирзо Улуғбек номидаги Астрономия институти	3
6	М.Т.Ўрозбоев номидаги Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти	3
7	Сейсмология институти	3
8	Умумий ва ноорганик кимё институти	4
9	С.Ю.Юнусов номидаги ўсимлик моддалари кимёси	4
10	Полимерлар кимёси ва физика институти	2
11	А.С.Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти	7
12	Ботаника институти	0
13	Инсон геномикаси ва иммунология институти	2
14	Зоология институти	3
15	Микробиология институти	3
16	Геномика ва биоинформатика маркази (институт мақоми)	4
17	Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти	2
18	Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти	2
19	Ўзбек тили, адабиёти ва фольклор институти	4
20	Тарих институти	4
21	Санъатшунослик институти	3
22	Я.Ғуломов номидаги Археологик тадқиқотлар институти	2
23	Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти	4
24	Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институти	4
25	Хоразм Маъмун академияси (институт мақоми)	3
26	Навоний бўлими	2
27	Ўзбекистоннинг энг янги тарихи масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи-методик маркази	2
28	Алишер Навоний номидаги Давлат адабиёт музейи	2
29	"Ўзбекэнерго" илмий-техник маркази	2
	Жами	100